


Аллоҳим, обрўйимни Сенга топширдим



14:00 / 09.03.2022 4501

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Сизлар Абу Замзамдек бўлолмайсизларми?**» дедилар. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, Абу Замзам ким?» деб сўрашди. Шунда у зот: «**У ҳар тонг отганида:**

كَلَّ يَضْرَعُ وَيَسْفَنُ تَبَّهَ وَدَقُّ مُهَلَّلًا

«**Аллоҳумма қод ваҳабту нафсий ва ғирзий лак**» (Аллоҳим, мен нафсимни, обрўйимни Сенга топширдим), **дер, бирор киши уни сўкса, у сўкмас, бирор киши унга зулм қилса, у зулм қилмас, бирор киши уни урса, у урмас эди**», дедилар».

Ибн Сунний ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад